2009 йил, 17 июль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

XXI аср садоси
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ · № 140 (11.451) · Баҳоси эркин нархда




*«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

**Тошкент шаҳрининг юбилей тантаналари яқинлашгани сари шаҳар байрамона қиёфага эга бўлмоқда.**

Шаҳрим — фахрим





## ПОЙТАХТ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ айни пайтда шаҳарда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Кўчалар қиёфаси ўзгариб, янги объектлар барпо этилмоқда, ижтимоий инфратузилма ривожланмоқда.

Шу билан бирга, шаҳар транспорт инфратузилмаси ҳам такомиллаштирилмоқда. Шаҳар йўловчи ташиш соҳасида барча мулкчилик шаклидаги субъектлар учун рақобат муҳити яратилган. Кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифати стандартлари, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг жамоат транспортидан фойдаланиш имкониятлари сақланган ҳолда, ноишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш ҳисобидан уларнинг иқтисодий самарадорлиги оширилмоқда.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг автобус, трамвай, троллейбус, йўналишли такси ва метрополитен ҳайдовчилари, таъмирловчи ишчилар, бошқарув ходимларидан иборат 12 минг нафардан ортиқ киши бир кунда ўрта ҳисобда 1,5 миллион йўловчига хизмат кўрсатади.

Йўловчиларни ташишнинг катта қисми — қарийб 74 фоизи автобуслар улушига тўғри келади. Айни пайтда пойтахтимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори сифатли транспорт хизмати кўрсатилмоқда. Қатновларнинг мунтазамлиги, ҳаракатланувчи таркиб техник ҳолатининг яхшилиги, автобуслар салонларининг қулайлиги бундан далолат беради.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасидан олинган маълумотларга кўра, юбилей арафасида Тошкент автобус парки «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумидаги яна 200 та қулай ва шинам автобуслар билан тўлдирилади. Ўтган йили ҳам шунча автобус келтирилган эди. Ушбу автобуслар экологик нормаларга жавоб берадиган «Евро-3» двигателлари билан жиҳозлангани билан ажралиб туради. Жорий йилда замонавий, қулай ва ишончли «Мерседес»лар сони қарийб 1000 тага етади.

Пойтахтимизда автобус паркини янгилаш дастури дизель ёқилғисида ишлайдиган замонавий техника харид қилишга қаратилган. Бу нафақат «Mercedes-Benz», балки Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган ҳамда ёқилғи сарфини камайтириш имконини берадиган «Isuzu» автобусларидир.

*(Давоми 2-бетда).*

Вэй ЧЖАНГ:

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Вэй ЧЖАНГ билан суҳбатлашди.**

— **Жаноб Вэй Чжанг, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ўзбекистон Хитойнинг Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорларидан. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 17 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқотлар фақат фаоллашиб бормоқда. Шунингдек, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқалар, энергетика, транспорт, хавфсизлик йўналишидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқиндир. БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги фаол ҳамкорлик орқали мамлакатларимиз ўз миллий манфаатларини рўёбга чиқармоқда, минтақа ҳамда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосига қурилган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ҳар томонлама кенг тараққий этмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик тусини олгани ва музокараларда янги-янги келишувларга эришилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2008 йили Пекин Олимпия ўйинларининг очилиш маросими доирасида ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жорий йил июнь ойида бўлиб ўтган Екатеринбург саммити доирасида учрашдилар.

2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларига етди. Иқтисодий ва техник ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётир. Энергетика, телекоммуникациялар, транспорт, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма каби кўплаб соҳаларда қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳалар ҳамкорлик даражаси ва сифати ошишига хизмат қилмоқда.

— **Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Хитой ўзбек халқининг ўз миллий хусусиятларидан келиб чиқиб танлаган тараққиёт йўлини, мустақилликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди ва қўллаб-қувватлайди.

Юртингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Мамлакатингизда халқ фаровонлигини янада юксалтиришга, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

— **Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида хитойлик санъаткорлар ҳам фаол қатнашади...**

— Ҳа, жаҳон халқларининг мусиқий меросини тарғиб этиш ва ривожлантиришга хизмат қилиб келаётган ушбу фестивалнинг нуфузи йил сайин ошмоқда. Бу тадбир тили, маданияти, миллий қадриятлари турфа миллат ва элатларни санъат воситаси билан бир-бирига яқинлаштириш ва бирлаштиришда муҳим омил бўлаётир. Хитойлик созанда ва хонандаларнинг «Шарқ тароналари»да бу йил ҳам иштирок этиши режалаштирилган.

— **Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонлаш арафасидамиз...**

— Тошкент — Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган машҳур тарихий шаҳарлардан бири. Қадим Шош Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришда азалдан муҳим ўрин эгаллаб келган. Ўзбекистоннинг, жумладан, Тошкентнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Пойтахтингизни кўришга орзуманд сайёҳлар жуда кўп. Бугун Тошкент Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширган ислоҳотлари самараларининг ёрқин кўзгусига айланган.

Тошкентнинг қиёфаси кун сайин таниб бўлмас даражада ўзгариб, кўркамлашиб бораётир. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланиши унинг халқаро сайёҳлик бозоридаги ўрнини янада мустаҳакамлашга хизмат қилади. Шаҳар юбилейига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар Тошкент тарихи, ўзбек халқининг бой маданияти ва қадриятлари билан янада яқинроқ танишиш имконини беради.

**Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро шахмат фестивалида ҳамюртимиз — собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов муваффақиятли иштирок этмоқда.**

Ифтихор

## ҚОСИМЖОНОВНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Таъкидлаш керакки, ушбу нуфузли мусобақада жаҳоннинг Россия, АҚШ, Испания, Украина, Франция, Словакия каби шахмат тараққий этган давлатларидан ўн нафар кучли гроссмейстер ғалаба учун кураш олиб бормоқда.

Мусобақанинг саккизинчи турида Р.Қосимжонов россиялик собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карповга қарши дона сурадиган бўлди. Яъни шахмат тахтасида икки жаҳон чемпиони ўзаро рўбарў келди. Шу куни қора доналарда ўйнаганига қарамасдан Рустам чиройли ғалабага эришди ва охирги тур олдидан 4,5 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

Биз ҳамюртимизга турнир пешқадами Хикару Накамура билан кечадиган сўнгги тур баҳсида ҳам омад тилаб қоламиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур жамоат ташкилотининг шаҳар бўлими фаолияти муҳокама этилиб, пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланган истиқболдаги режалари белгилаб олинди.

✓ **ЭРТАГА** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидаги маданият уйлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида уюштирилган «Ягонасан, муқаддас Ватан» республика кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтади.

✓ **КЕЧА** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида мактабгача таълим муассасалари ўртасида ташкиллаштирилган «Обод боғчам, кўркам боғчам» мавзуидаги «Йил тарбиячиси» анъанавий кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан маданият уйлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида «Ёшлик тўғрисида энг яхши қўшиқ» кўрик-танлови уюштирилди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРТИМИЗ ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАРИ, БАРЧА ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ЭРИШГАН УЛКАН МЕҲНАТ ҒАЛАБАЛАРИ — РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРИХИДА ИЛК БОР 6 МИЛЛИОН 610 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД УЛКАН ҒАЛЛА ХИРМОНИ БУНЁД ЭТГАНЛИКЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ.**

● **Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 53 та ташкилот ва корхона 300 га яқин бўш иш ўринлари билан қатнашиб, ярмарка давомида 189 нафар кишига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.**

● **Тўрақўрғон туманидаги «Тўрақўрғон соҳибкорлари» агрофирмасида ўрик етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Поп ва Тўрақўрғон туманлари боғбонлари ўз боғларида пишиб етилган сара ўриклари билан иштирок этдилар.**

● **Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташаббуси билан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги бир қатор болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги спартакиада мусобақалари ташкил этилди.**

● **«Фарғона — ёғ-мой» акциядорлик жамияти Германиянинг «Села Машинен» фирмасидан йилига 15 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик тизим сотиб олди. Ҳозирда корхонада янги тизимни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. У Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади.**

● **Жиззах вилоятида 30 та янги «ISUZU» русумли автобусларнинг «Жиззах автошоҳбекати — Қаҳрамон қишлоғи» йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилди.**

● **Зарафшон шаҳрида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотда спортнинг эркин ва юнон-рум кураши, гимнастика, оғир атлетика, бокс каби турлари билан мунтазам шуғулланиш, мусобақаларни ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.**

● **Навоий вилоятидаги «Зарафшон пахта сервис» масъулияти чекланган жамияти қошида янги биофабрика иш бошлади. Бу ерда ғўза майдонларини турли зараркунандалардан асрайдиган фойдали ҳашаротлар тайёрланмоқда.**

## ЖАҲОНДА

● **Германияда Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев ва Германия федерал канцлери Ангела Меркел Эрон ва Шимолий Кореянинг ядро муаммоларини муҳокама қилишди.**

● **БМТ Хавфсизлик Кенгаши КХДРга нисбатан янги санкцияларни жорий этди. Унга кўра мамлакатнинг 5 та йирик корхонасининг активлари музлатилди, юқори доираларда фаолият кўрсатувчи беш кишининг хорижга чиқиши тақиқланди.**

● **Фаластин жангарилари кейинги бир ой давомида илк бор Исроилга ракета зарбасини бердилар.**

● **Европа Иттифоқи жаҳоннинг 194 та авиакомпаниясини «қора рўйхат»га киритди. Ушбу рўйхатдан ўрин олган компаниялар самолётларининг Европа мамлакатлари осмонида парвоз қилишлари тақиқланади. Бунга сабаб, уларнинг Европа парвоз хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслигидир.**

● **Мисрда рўй берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 11 нафар сербиялик сайёҳлар ҳаётдан кўз юмди, яна шунчаси турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

● **Суданда A/H1N1 гриппи хасталигига чалинган дастлабки икки киши қайд этилди.**

● **Нигер давлати ҳудудида босқинчилик ҳаракатларини олиб бораётган «Нигер дельтасини озод қилиш ҳаракати» жангарилар гуруҳи вақтинчалик тинчлик эълон қилди. Уларнинг бундай йўл тутишига ҳукумат томонидан ҳаракат етакчиси Генри Окунинг озодликка чиқарилиши сабаб бўлди.**

● **Хитой марказидаги Хэнань музофотида жойлашган Лояан шаҳридаги кимёвий корхонада портлаш юз берди. Мазкур фалокат натижасида бир киши ҳалок бўлган, 108 нафар одам тан жароҳати олган. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.**

● **Fortune журнали жаҳоннинг энг йирик компаниялари рўйхатини эълон қилди. Ҳар йили анъанавий тарзда тузиладиган рейтингга 500 та компания киритилди. Рўйхатда 2008 йили 458.361 миллиард доллар даромадга эришган (соф фойда — 26.277 миллиард доллар) Британ-Нидерланд нефтгаз уюшмаси — Royak Dutch Sheel энг юқори поғонани банд этди.**

## Дам олиш соатларида




**Фан оламида**

# ТУҒИЛГАН КУН ВА ҲАЁТИЙ ВОҚЕАЛАР

Туғилган кунингизнинг саломатлигингиз, бахтомадингиз, оилавий ҳаётингизга таъсири ҳақида гап кетганда, саволларингизга астрологлар – яъни мунажжимлар жавоб беришади. Бироқ, эндиликда шу муаммолар устида шифокорлар ва руҳшунослар ҳам шуғулланишяпти, деб ёзади Die Welt мақоласи таржимасини эълон қилган Inopressa.

Ортиқча вазнга, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари ёки аллергияга мойиллик, афтидан, инсон туғилган ойга боғлиққа ўхшайди. Ҳатто туғилган гўдак келажакда тортинчоқ ёки жасур киши бўладими, чапақай ёки ўнақай бўладими, унинг болалари кўп бўладими – булар ҳам унинг туғилган кунига боғлиқ бўларкан.

Ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ, австриялик шифокор Штур саратон касалига дучор бўлган мижозларининг кўпчилиги муайян ойларда туғилганига эътибор қилганди. У саратон касаллигидан вафот этган қарийб уч минг беморга тааллуқли маълумотларни таҳлил этиб чиқди. Натижа унинг тахминларини тасдиқлади: май ойидан августгача туғилган кишиларда саратон касалига учраш хавфи анча кам учрарди. Кейинчалик ўтказилган тадқиқотлар ҳам шунга ўхшаш натижа берди.

Кузда дунёга келган кишилар ўз туғилган кунларини ҳамиша кўплаб дўстлари ва қариндошлари даврасида ўтказишади. Улар жуда кексалик ёшларигача умр кўришади, деган хулосага келишди Ростокдаги Макс Планк номли демографик тадқиқотлар институти олимлари Габриэла Добльхаммер-Райтер билан Жеймс Воупеллар. Улар 1968 йилдан 1998 йилгача Австрия, Дания, АҚШ ва Австралияда вафот этган ва 50 ёшдан ортиқ умр кўрган бир миллиондан ортиқ кишилар ҳақидаги маълумотларни таҳлил этиб чиқишди.

Жанубий яримшарда ҳаммаси кейинга суриладди: австралиялик узоқ умр кўрувчилар асосан иккинчи чоракда, апрель – июнь ойларида, яъни Австралия кузида дунёга келишади. Қишдаги туғилган кун, афтидан, баъзи бир касалликлар хавфини оширади. Бристоль ва Эдинбург университетларидан Дебби Лоулор ва Ричард Митчелл яқинда 1919 йилдан 1940 йилгача Буюк Британиянинг 23 та турли шаҳарларида туғилган 60 дан 79 ёшгача бўлган 4286 аёлни текширишдан ўтказишди. Тадқиқотлар давомида улар қишда туғилган аёлларда холестерин моддаси даражасининг юқорилиги, ўпка ишининг сустлиги ҳамда юрак-қон томир касалликларига мойилликнинг юқорилигини аниқлашди.

Йилнинг совуқ ойларида дунёга келган аёлларда юрак-қон томир касалликларига дучор бўлиш хавфи тахминан 24 фоизга юқори бўлиб чиқди. Инсон дунёга келган ой бошқа омилларга ҳам, масалан, инсоннинг ўсиши ва қувноқ ёки тушкунлигига ҳам таъсир этади. Чунончи, Вена университети 500 мингдан ортиқ армияга чақирилувчилар устида ўтказган тадқиқотлар баҳорда туғилган болалар бўйи йилнинг бошқа фаслларида туғилганларга қараганда баландроқ эканлигини кўрсатди. Чапақай болалар кўпроқ сентябрдан февралгача туғилишади, баҳорда туғилган болалар эса, одатда жуда тортинчоқ бўлишади.

Бахтли кишилар ёзда дунёга келишаркан. Хертвордшир университетидан Ричард Вайзман олиб борган тадқиқотлар шундан далолат беради. 40 минг киши қатнашган сўровлар доирасида руҳшунос профессор инсонлар туғилган ой билан улар дунёқарашлари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этди. Ёз ойларида туғилганлар чамаси бахт қушининг думини тутиб олганлар – жилла бўлмаганда, уларнинг ўзлари шу фикрдалар. Бу кишилар ўзларига юқори баҳо беришади, келажакка ишончлари ҳам юқори, ҳаётга қарашлари эса, куз ва қишда туғилганларга нисбатан анча ижобийроқ, деб ёзади газета.

Юқоридаги тадқиқотларнинг астрологияга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Олимлар инсон ҳолатларининг сабабларини илмий омиллар билан изоҳлашади. Ҳомиладорликнинг дастлабки ойлари ва умрнинг илк ойлари атроф-муҳит омиллари – иқлим, овқатланиш, инфекциялар, гормонлар одамларга турлича таъсир ўтказади. Шу босқичда гўдакка таъсир этадиган омиллар унинг жисмоний, ақлий ва эмоционал ривожига узоқ вақт давомида шу таъсирини сақлаб қолади.

Туғилган ой, синовдан ўтган барча ҳолларда, афтидан, кишининг бирор нарсани ёқтириш ёки ёқтирмаслигига ҳам таъсир этади, муайян касалликларга дучор бўлишнинг ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган хавфини туғдирса, бошқа хасталикларга нисбатан чидамлиликни оширади. Айни пайтда "туғилишнинг энг яхши ойи" мавжуд эмас. Ойларнинг ҳар бири ўз ижобий ва салбий хусусиятларига эга. Шулар ҳақида яхши билимга эга бўлган кишилар муайян турмуш тарзига риоя этган ҳолда ўз имкониятларидан самарали фойдаланиб, эҳтимол тутилган хавф-хатарларга қарши чора-тадбирлар кўриб боришлари мумкин бўлади.

**Кашфиёт ва инсонлар**

# ФИКРЛАРНИ ЎҚИЙ ОЛАДИ

Honda компанияси робот Asimo инсон фикрларини тушунишида ёрдам берадиган янги технологияни ишлаб чиқди. Мазкур технологиянинг моҳияти шундаки, одамнинг бошига махсус шлём кийдирилиб, у бош мия фаоллигини таҳлил этади ва симсиз алоқа воситасида роботга сигнал юборади. Шундан кейин Asimo олинган маълумотларни ўзига маълум бўлган буйруқлар асосида талқин этади.

Янги технология эндигина яратилгани учун унинг мукаммаллиги ҳақида гапиришга ҳали эрта экани табиий. Лекин робот ҳозирнинг ўзидаёқ одам оёқ ёки қўлларини ҳаракатлантириш, масалан, таом ҳақида ўйлаётганини тушуна олади. Маълумотларни ишлаш учун бир неча сонияларгина сарфланади ва робот буйруқларни шу заҳотиёқ бажаради. Лекин муайян бир фойдаланувчи феъл-атворига мослашиши учун унга тахминан уч соатларча вақт керак бўлади.

**Автоолам**

# ЯНГИ ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ЯРАТИЛДИ




Японияниннг Mitsubishi Motors компанияси ўзининг i-Miev деб аталадиган янги электромобилини тақдим этди. Янги машинадан фойдаланишнинг биринчи босқичи 2010 йилнинг мартигача чўзилади. Японияда шу давр мобайнида ҳозирдаёқ ҳукумат эҳтиёжлари учун кўпчилиги бронлаштириб қўйилган1400 автомобилни ижарага олиш мумкин.Оддий харидорларга мазкур автомобиллар келгуси йил апрелидан сотилса, олдиндан бериб қўйилган буюртмалар бўйича шу йилнинг июлидан уларни харид қилиш мумкин.

Ушбу тўрт ўринли автомобиль тезлигини соатига 160 километргача ошира олади, қайишли узатма оддий хонаки розеткадан зарядланадиган электр двигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Аккумуляторларни тўла зарядлаш учун чамаси 7 соатларча вақт кетади, махсус зарядлаш ускунасидан супертезликда зарядлаш режимидан фойдаланилганда эса, атиги 30 дақиқа кифоя қилади.

Дастлаб машина Япониянинг ички бозорида савдога қўйилади ва тахминан 48 минг доллардан баҳоланиши кутилмоқда. Лекин Mitsubishi халқаро i-Miev режаси асосида мазкур машиналарни сотиш мақсадидан ҳам воз кечаётгани йўқ. Бундан машиналарни ишлаб чиқаришни кўпайтириш асосида компания унинг нархини икки баравар арзонлаштиришни ҳам кўзда тутмоқда.

Электромобилнинг ёқилғи ишлатмагани учун атмосферага зарарли чиқиндилар чиқариш кўрсаткичи нолга тенг. Компанияда i-Miev экологик тоза автомобилларни ишлаб чиқариш давлат дастури доирасига тушгани учун унинг нархи 43 фоизга пасайишини ҳам таъкидлашмоқда. Бундан ташқари машина уч йил муддатга солиқлардан озод этилади.

**Ўзга сайёраларга саёҳат!**

# САТУРН ҲАЛҚАЛАРИДАГИ ГИГАНТ «МИНОРАЛАР»

Ҳа, олимлар Сатурн ҳалқаларида баландлиги 1,5 километргача борадиган гигант "миноралар"ни аниқлашди. Cassini зонди ("ҳаво шари") дан олинган фотосуратлар таҳлили билан шуғулланувчи CICLOPS лойиҳаси расмий сайти матбуот хабарида шу ҳақда маълум қилинади. Олимларнинг айтишларича, ушбу объектлар Дафния йўлдошининг (қалинлиги 10 метрдан ошмайдиган) ҳалқаларга гравитацион (тортиш кучи) таъсир ўтказиш натижасидир. Диаметри қарийб 8 километрдан иборат мазкур объект А ҳалқасининг Килер кавагида "яшайди". Олдинроқ олимлар йўлдош тортиш кучи ҳалқаларда қолдирадиган тўлқинларни кузатишга муваффақ бўлишганди. Бироқ, ҳозирги аниқланганларига ўхшаш "миноралар"ни улар илк бор кўришаётганди.

Қуёшнинг Сатурнга нисбатан алоҳида ҳолати юзага келиши муносабати билангина бу кашфиётни аниқлаш мумкин бўлди. Айтиш жоизки, Қуёш 15 йилда бир марта шундай ҳолатга эга бўлади. Шу пайтда нурлар ҳалқага ғоят ўткир бурчак асосида тушиб, ҳар турли нотекисликлар узун кўланкаларни итқитиб ташлайди. Айнан кўланка(соя)ларнинг катталигига қараб, олимлар аниқланган чўққилар баландлигини белгилашди.

Олимлар, шунга ўхшаш миноралларнинг мавжуд бўлиши мумкинлиги компьютер моделлаштириши натижаларига кўра башорат қилинганини таъкидлашмоқда. Янги маълумотлар Сатурн тизимида объектлар ҳаракатининг мавжуд моделлари етарли даражада аниқ-равшан бўлиб, ҳақиқий воқелик билан мутаносибдир.

Cassini зонди 1997 йилда фазога чиқарилган бўлиб, 2004 йили Сатурнга етиб борганди. У ESA, NASA ва Италия фазовий агентлигининг биргаликдаги лойиҳалари ҳисобланади. Эришилган кўплаб муваффақиятлар асосида NASA 2008 йили ушбу аппарат фаолияти муддатини узайтиришга қарор қилди. Айни пайтда унинг вазифаси ҳам ўзгарди: Cassini-Huygens ("Қизил-Ҳюйгенс") дан у Cassini Equinox (маъноси - тенгкунлик) га айланди. Lenta.ru шу ҳақда хабар берган.



Мусиқа сеҳридан сархушдир диллар

**Шунақаси ҳам бўлади**

# NASA ХАТОСИНИ АНИҚЛАДИ

13 яшар немис ўқувчиси Нико Макгвардт Apophis астероидининг 2029 йилда Ер билан тўқнашиш эҳтимоли тўғрисидаги NASA ҳисоб-китобларидаги хатони аниқлади. Бундан олдинроқ АҚШ аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш бўйича Миллий бошқармаси астероиднинг Ер билан тўқнашиш эҳтимоли 45 мингга 1 ни ташкил этиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилганди. Бироқ, Макгвардт бу ҳисоб-китоб тўғри эмас, деб топди.

Потсдамдаги Астрофизика институти томонидан Ердан туриб амалга оширилган Apophis астероиди устидаги кузатувларни таҳлил этган Нико Макгвардт, астероиднинг Ер билан тўқнашиш эҳтимоли 1 га 45 минг эмас, 1 га 450 га тенг, яъни NASA башорат қилганидан анча кўп деган хулосага келди.

NASA мутахассислари ўтказилган текширишлардан кейин 13 яшар ўқувчи келтирган маълумотларни тўғри деб топишга мажбур бўлишди. Астероид Ерга етарли даражада яқин масофадан ўтадиган бўлса, сайёрамизни ўраб турган 40 мингга яқин сунъий йўлдошлар фазовий жисм орбитасига таъсир этиши мумкин. Бундай нисбатларда 3 километрлик диаметрда Apophis вазни 200 млрд. тоннага тенг бўлиши, унинг Ерга 2036 йилда яна қайтиши ва бунда у сайёрамизга қулаши мумкин экан.

Мабодо, бу ҳодиса юз берадиган бўлса, сайёрамизда жуда улкан цунами юзага келади ва у соҳилбўйи мамлакатлари қирғоқларнинг катта қисми ва ички ҳудудларининг сув остида қолиб кетиши хавфини туғдиради. Бундан ташқари, сайёрамиз осмонида улкан чанг-тўзон булутлари пайдо бўлиб, ерни Қуёшдан тўсиб қўйиши мумкин.

Руҳшуносларнинг таъкидлашича, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати проекцияланган бўлади. Бу — ҳамма одатларимиз, ўзимизни тутишимиз, турли хусусиятларимиз ўз ички муаммоларимизни гўё экранга катталаштириб туширишдек гап демакдир. Шу тарзда биз одамлар феъл-атворини уларнинг оёқ олишлари, кийиниш йўсинлари, афтларини турлича бужмайтиришлари ва кулиш оҳангларига қараб билиб оламиз. Бугун биз сизларга эксперт-руҳшунос сифатида дўстларингиз ва яқинларингизни ўрганишни таклиф этамиз.

Синайдиган кишингиздан бирон-бир бошқотирмани ечишни илтимос қилинг. Қуйидаги ҳолатлар бўйича у қандай ўйлашини кузатиб, ҳар бир хатти-ҳаракатига очколар қўйиб боринг:

**Ўзингиз тест ўтказинг!**

# СИЗ ҚАНДАЙ ЎЙЛАЙСИЗ?

- бошини қўли билан тирайди: иягига қўлини тираши — 2 очко, пешонасини тираши — 4;
- пешонасини тириштиради — 2 очко;
- лабларини тишлаб олади — 1 очко;
- стулда типирчилаб ўтиради — 1 очко;
- бошини қашийди – ҳар бир қашига 2 очкодан;
- сочлари, мўйлови, соатини тортқилаб ўтиради — 3 очко;
- лабларини қимирлатади, минғиллайди, товушини чиқариб мулоҳаза қилади – 3 очко.

Тўплаган балларини жамланг.

**0-5 балл.** Синаган одамингиз хотиржам, мулоҳазали, босиқ-вазмин ва очиқкўнгил киши – у сизни ҳаммадан яхшироқ тушунади. У билан бемалол сирларингизни ўртоқлашишингиз мумкин.

**6-10 балл.** Олдингизда ўтирган инсон ҳорғин ва безовта. У жуда масъулиятли бўлгани учун ҳамма нарсага улгуришга ҳаракат қилади, аммо ҳамиша ҳам бунинг уддасидан чиқолмайди. Бундай кишилар ҳиссиётларга берилувчан, шерикларига нисбатан жуда сермуҳаббат ва хушмуомала бўлишади.

**10 баллдан ортиқ.** Ҳар нарсага портлаб кетадиган, серҳаракат одам. Унинг ҳамиша ўз интиладиган мақсади бор. У ҳар қандай хаёлга келмайдиган ҳаракатларни содир этиши мумкин, унинг ғоялари эса даҳоларга хос бўлиши аниқ.

**Табиат инъомлари**

# ОЛМА СИРКАСИНИНГ АЖИБ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кўпчилик аёллар, ошқозон шиллиқ пардасига салбий таъсир этади, баъзи ҳолларда қизилўнгач деворларини куйдириши мумкин деб, сиркаларга беписанд қарашади. Шунинг учун ҳам улар жумладан олма сиркасини ҳам овқатга солишмайди. Аслида эса, айниқса олма сиркаси ўн йилликлар давомида уй бекалари томонидан севиб ишлатиб келинган. Уни нафақат овқатга таъм берувчи восита сифатида, балки бир қанча касалликларни даволашда дори сифатида ҳам қўлланилган.

Бувиларимиз ялтираб турсин деб, сиркали сув билан сочларини чайишган. Сув қўшилган сирка билан танани ишқалаб, ҳароратни туширишган, яна ҳашаротлар чаққан жойга латтани сиркага ботириб қўйишган. Лекин сирканинг шифобахш хусусияти фақат шулардангина иборат эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, узоқ аждодларимиз ҳам сирка (ачиган вино) дан овқат таъмини ҳушхўр қилишдан ташқари, тиббий дори-дармон ҳамда косметик восита сифатида ҳам фойдаланишган. Ўрта асрлардаги ўлат кенг тарқалган вақтларда сиркани қўлларни дезинфекциялаш воситаси сифатида қўллашган.

Ҳозирги замон усуллари асосида олиб борилган тадқиқотлар асосида олма сиркаси фойдали микроэлементларнинг ҳақиқий хазинаси экани аниқланди. Унинг таркибида 30 дан ортиқ витаминлар, энзим ва пектинлар мавжуд. Қўшма Штатлар ва Япония клиникаларида олма сиркаси тиббий амалиётда ошқозон, отит ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Шунингдек, ундан илгарилардагидай касалхоналар юзаларини дезинфекция қилишда ҳам фойдаланилади.

Бир чой қошиқ сирка ва шунча миқдордаги асални илиқ сувга аралаштириб ичиш одамни соғломлаштирувчи ва тетиклаштирувчи энг матлуб муолажа ҳисобланади. Ушбу суюқ дори кунига икки маҳал овқатдан ярим соат олдин ичилади. Яна бир қизиқ жиҳати шундаки, АҚШ шифокорлари бу дорини ҳатто ошқозонининг кислоталилиги юқори одамларга ҳам тавсия этишади.

Илиқ сувга аралаштирилган сирка билан ангина, грипп, тонзиллит ва йўтал касалликларида томоқни чайиш тавсия этилади. Таркибида темир моддаси, B12 витамини ҳамда фолий кислота мавжудлиги учун олма сиркаси аёлларга ойлик ҳайз кўриш вақтларида тавсия қилинади. Сирка артрит, астма, буйракдаги тош касалликларида ҳам жуда фойдали ҳисобланади.

Олма сиркаси таркибида пектин моддасининг юқори миқдорда бўлиши организмда ёғларнинг сўрилишига халақит бериб, ундаги холестерин даражасини пасайтиради. Сиркадаги бетакаротин – антиоксидантлар билан бирга мавжуд пектинлар юрак-қон томир касалликларига дучор бўлиш хавфини камайтиради.

Яна олма сиркаси Ph кўрсаткичи амалда терининг Ph кўрсаткичига тенглиги ҳам аниқланди. Бу ҳолат сиркадан косметологик мақсадларда ҳам фойдаланиш имконини берди. Косметологлар сирка билан терининг муаммоли жойларини ишқалашни маслаҳат беришади. Бунинг натижасида тери силлиқ ва ипакдай юмшоқ бўлади. Озроқ олма сиркаси аралаштирилган сувда оғизни чайиш милкларни мустаҳкамлаш, шунингдек, тишлардаги карашларни йўқотишга хизмат қилади.

# ДУБУЛҒАДАГИ СИРЛИ ЁЗУВ

Россиянинг Астрахань шаҳри жанговар шон-шуҳрат музейида Иван Грозний дубулғаси сақланади. Шу вақтгача ундаги араб ёзуви нимани англатишини ҳеч ким билмасди. Яқинда Эроннинг бош консули ана шу дубулғадаги араб ёзувини изоҳлаб берди. Дипломатнинг таъкидлашича, подшоҳ дубулғасининг юқори кўндаланг белбоғида акс этган энг ноёб араб шевасидаги ёзув "Аллоҳ Муҳаммад" сифатида таржима қилинади. Мазкур сўзлар машҳур "Аллоҳ буюк, Муҳаммад унинг элчисидир" иборасининг қисқартирилган ифодаси бўлиши мумкин.

"Биз Эрон консулининг таржимасини, ҳеч шубҳасиз тилшунослар, шарқшунослар текшириб кўришларини талаб қиладиган бир тахмин сифатида қабул этамиз. Православ рус подшоҳи дубулғасида бундай ёзув пайдо бўлишининг сабабларидан бири сифатида Иван Грознийнинг отасига мазкур бош кийим унинг ўғлига атаб турк султони томонидан туҳфа қилинганини тахмин қилиш мумкин. Зеро, дубулғанинг иккинчи кўндаланг белбоғида славян тилидаги: "Шелом Князя Ивана Васильевича, Великого Князя сына Василия Ивановича, господаря Всея Руси самодержца" ёзуви битилган",— дея изоҳ берди музейнинг катта илмий ходими Елена Арутюнова.

Жаҳон миқёсидаги қимматга эга бўлган ёдгорлик Стокгольмнинг Қироллик Қуроласлаҳа палатасидан Иван IV нинг қудратли қўли билан Астраханни Россия давлати таркибига қўшиб олинишининг 450 йиллигига махсус келтирилганди. Дастлаб дубулға Москва Кремлининг Қурол-аслаҳалар палатасида кўргазмага қўйилганди. Иван Грозний дубулғаси қандай қилиб Стокгольм Қироллик Қурол-аслаҳалар палатаси тўпламига тушиб қолгани ҳақида бир қанча тахминлар мавжуд.

Эҳтимол, у 1611-1612 йиллардаги ғалаёнлар вақтида қўлга киритилиб, бошқа қимматбаҳо ўлжалар қатори Варшавага, қирол Сигизмундга жўнатилгандир. Кейинчалик, 1655 йили поляк қўшинлари Швеция билан бўлган урушда мағлуб бўлганларидан кейин уни ҳарбий ўлжа сифатида шведлар Варшавадан олиб кетишгандир. 1663 йили дубулға Стокгольмдаги Қироллик қурол-яроғлар палатаси ашёлари китобида илк бор қайд этилади.

**Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.**

Оромгоҳларда

## КИТОБ — ДИЛКАШ ДЎСТИМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси болаларнинг ёзги таътил кунларида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятли, маданиятли қилиб тарбиялашда ушбу кутубхонанинг салмоқли ҳиссаси бор.**

Ҳозирги кунда шаҳримиздаги кўплаб умумтаълим мактабларида соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган бўлиб, уларда ўқувчилар мазмунли ҳордиқ чиқармоқдалар. Кутубхона мутахассисларининг ташаббуслари ва тавсияларига биноан болаларнинг ёзги оромгоҳларида турли мавзулардаги тадбирлар ўтказилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги хитой тилига ихтисослашган 59- мактаб қошида ташкил этилган «Бинафша» оромгоҳида бўлиб ўтган «Яхшидан боғ қолади», «Гиёвандлик — жон оғуси», «Мусиқа сеҳри», ўзбек шоираси Зебуннисо таваллудининг 370 йиллиги ва ёзувчи Носир Фозиловнинг 80 йиллигига бағишланган тадбирлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Юнусобод туманидаги 63-мактаб оромгоҳида ўтказилган «Қизил китоб қандай китоб?», 21-мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда уюштирилган «Биз шу юртнинг эгалари», 24-мактабдаги оромгоҳда ўтказилган «Ватанпарвар сиймо», Миробод туманидаги 213-мактаб қошидаги «Ғунча» номидаги оромгоҳда ташкил этилган «Одобли бола элга манзур» каби бир қатор маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар қизиқарли тарзда ташкил этилди.

Бундан ташқари кутубхонада болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида компьютерда ишлаш, интернетдан фойдаланиш қоидаларини ўргатадиган «Интел» клуби, ҳуқуқий саводхонликка йўналтирилган «Ёшлар ва ҳуқуқ» клуби, гитара чалишни ўргатиш, рассомчилик тўгараклари фаолиятларини давом эттирмоқда.

— Ёзги таътил кунлари бўлишига қарамай кутубхонамиздаги тўгараклар ҳамиша ёшлар билан гавжум, — дейди Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси директор ўринбосари Умида Раимбекова. — Ёз болажонларнинг энг севимли фасли ҳисобланади. Чунки улар айнан шу фаслда мириқиб дам оладилар, оромгоҳларда мазза қилиб мазмунли ҳордиқ чиқарадилар. Кутубхонамиз ҳар доим болажонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келаётган муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Бинобарин эзгулик ва яхшилик доимо тантана қиладиган бу масканда нафақат китоблар ўқилади, балки улар саҳифаларидаги воқеалар ривожи ёшлар иштирокида муҳокама қилинади, фикрлар жамланиб баҳс, мунозара қизғин тус олади. Бу эса уларни янада кўпроқ ўқишга, изланишга ва китоблар орқали одамларни севишга, табиатни муҳофаза қилишга, Ватанга содиқ фарзандлар бўлиб етишишга чорлайди. Бизнинг кутубхонамиз ходимлари эса, шундай эзгуликка йўғрилган ишларда ҳамиша бош-қош бўлаётганларидан хурсанддирлар.



**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

Жамғармалар фаолиятидан

## ХАЛҚАРО АКЦИЯ ДОИРАСИДА

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват, ақлан етук инсон бўлиб вояга етиши йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳукуматимиз қарорлари, Давлат дастурлари ҳамда ўз дастурлари доирасида жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «Соғлом авлод» ҳаракатини ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда.**

Ушбу йўналишда, болаларимизнинг саломатлигини тиклаш борасида қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириб келаётганлиги диққатга сазовор бўлмоқда. Маълумки, жамғарма узоқ йиллардан буён Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилотлари билан фаол ҳамкорликда фаолият олиб боради. Ҳамкорлик натижасида ўзбекистонлик 20 нафарга яқин юрак хасталиги билан оғриган бемор болаларимиз Корея давлатининг нуфузли клиникаларида бепул жарроҳлик операцияларидан ўтказилди. Жамғарма билан Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси ўртасида имзоланган Ҳамкорлик тўғрисидаги битим натижасида Ўрта Чирчиқ тумани болалар касалхонаси мукаммал таъмирланди ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Шунингдек, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури доирасида республикамизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш ва зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш мақсадида «Hyundai – Мобил клиника»си аҳоли ихтиёрига топширилди.

Ушбу хайрли ишларни давом эттирган ҳолда жорий йилнинг 9 апрель куни республикамиздаги кам таъминланган оила фарзандларининг олий ўқув юртида ўқиши учун шартнома тўлов пулини тўлаш бўйича Жанубий Кореянинг «Саломатлик ва ривожланиш учун» (KIF-1) халқаро жамғармаси билан имзоланган шартнома доирасида «Тенг имкониятлар» лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳа доирасида республикамиз минтақаларида таҳсил олаётган 28 нафар кам таъминланган талаба-ёшларнинг 2008-2009 ўқув йиллари учун 22.649 АҚШ доллари қийматида шартнома пуллари тўланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон — Корея» дўстлик жамияти ва Кореянинг Junior Chamber International («JCI Korea») ташкилоти билан ҳамкорликда ўзбекистонлик бемор болаларнинг Корея давлатида бепул даволанишлари учун «Оғриқсиз юрак» халқаро акцияси ҳам амалга оширилган бўлиб, унга кўра навбатдаги ўзбекистонлик 7 нафар бемор болалар куни кеча Тошкент аэропортидан Корея давлатига даволаниш учун юборилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳридан танлаб олинган ва маҳаллий шароитда даволаниши ҳам иқтисодий, ҳам моддий-техникавий муаммоларни келтириб чиқарадиган юрак хасталиги билан оғриган беморлар мазкур акция доирасида Кореяда даволаниб қайтишади.

**Дилором ИКРОМОВА**

**Маълумки, жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Миср Араб Республикасида футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.**

Футбол

## ЁШЛАРИМИЗ ИСПАНИЯДА

Қувонарлиси, ушбу нуфузли турнирда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Гана, Уругвай, Англия терма жамоаларига қарши бир гуруҳда ғолиблик учун кураш олиб боради. Жаҳон чемпионати финалида муваффақиятли иштирок этишни режалаштирган ёшлар терма жамоамиз аъзолари Испанияга жўнаб кетишди. Икки ҳафтадан ортиқ давом этиши режалаштирилган ўқув-машғулот йиғинларида Испания клублари билан бир нечта назорат-ўртоқлик учрашувларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси куч синашади. Дарвоқе, 2010 йилги жаҳон чемпионатига саралаш турнири IV босқич баҳсларида қатнашган Ўзбекистон миллий терма жамоаси мусобақаларни якунлаганидан кейин маҳоратли ёш ҳимоячи Ислом Тўхтахўжаев ва пахтакорчи Шерзод Каримов яна ёшлар терма жамоаси сафига келиб қўшилишди. Бу албатта ёшлар терма жамоаси имкониятлари ошишига сабаб бўлади, дейишга асос бор. Чунки юқорида номлари келтирилган ёш чарм тўп усталари миллий терма жамоа таркибида ҳам бир неча марта майдонда ишончли ҳаракат қилишди ва мутахассислару мухлислар эътирофига сазовор бўлишди.

**Элзод МАМАНАЗАРОВ**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

**ИККИ ХИЛ ҚАВМ**

**Бир донишманд шундай ҳикоя қилибди:**

**– Мен бир қавмни кўрдим. Ўз ака-укаларини узоқ вақт кўрмай юраверишар экан. Кўришганда эса ҳол-аҳвол сўраб ўтирмас, фақат ишдан гапириб, пул-мол керак бўлса, бир-бирларидан сира аяшмас экан. Қилган ёрдаму яхшиликларини эса ҳеч қачон бир-бирларига миннат қилишмас экан.**

**Яна бир қавмни кўрдим. Агар бир-бирларини бир кун кўришмаса, ҳол-аҳволини, қандай яшаётганини, бола-чақа, хотин-халаж, мол-ҳол, ҳатто иту мушуккача эринмай сўраб-суриштиришар экан. Аммо бирор ёрдам ёки пулдан гап чиқиб қолса, аста чап бериб қочиб қолишар, арзимас бир нарсани ҳам бир-бирларига беришга оғринишар экан.**

**БАҲОНИ ҚЎШНИЛАР БЕРАДИ**

**Бир киши донишманднинг олдига келиб, ундан:**

**– Айтинг-чи, мен яхши одамманми ёки ёмонми – буни қандай билса бўлади? – деб сўрабди.**

**– Қўшниларингдан бориб сўра: агар улар сени яхши дейишса, демак, яхши одамсан, – деб жавоб берибди донишманд.**

**МУРУВВАТ НИМА?**

**Бир донишманддан:**

**– Мурувват нима? – деб сўраганларида:**

**– Қариндош-уруғ, дўст ва бошқалардан етган жафоларни кечиришдир, – деб жавоб берибди.**

**ТАФОВУТ**

**Бир файласуфдан:**

**– Подшоҳ билан сенинг ўртангдаги тафовут нимадан иборат? – деб сўрашса, у шундай дебди:**

**– Подшоҳ ҳирсу ҳаваснинг қули, мен эса амириман.**

**ҒИЙБАТ ОБРЎ КЕЛТИРМАЙДИ**

**Бир олим ғийбатчига дебди:**

**– Айтайлик, сен ёмонлаётган одамнинг обрўси камайди, аммо бу тўкилган обрў сеникига келиб қўшилмайдику!**

**УКА ВА ДЎСТ**

**Бир олимдан сўрабдилар:**

**– Укангни кўпроқ яхши кўрасанми, дўстингнними?**

**– Укамни, – деб жавоб берибди у, – агар дўст бўлса!..**

**БОШГА КУЛФАТ ТУШГАНДА**

**Афлотундан сўрабдилар:**

**– Бошига кулфат тушган одам ўзига қандай тасалли бериши мумкин?**

**– Ақлли одам: шу воқеанинг содир бўлиши табиий деб ўзига тасалли берса, аҳмоқ: фақат мен эмас, бошқалар ҳам шу кунга тушиши мумкин, деб ўзига тасалли беради.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*«Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси «2519-Автожамланма» давлат унитар корхонаси «Д» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни Тошкент шаҳар жамоат транспортида «Мерседес-Бенц» ва «Исузу» русумли автобусларда*



**ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

*Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи — 250-350 минг сўм.*

*«2519-Автожамланма» ДУК манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Авайхон кўчаси (собиқ Иркутск), 20-уй.*

**«2519-Автожамланма» ДУК — тел. 265-98-40**

**«Тошавтобустранс» АК — тел. 233-59-38**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2009 йил 11 август куни соат 11.00 да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига:** I.Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 1.ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 23.11.2007 йилдаги 901/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, «Себзор» жарима майдонида сақланаётган, «Opel Vectra» русумли, д/р X532 YTM бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 201 600 сўм.

2.ЖИБ Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани судининг 03.03.2008 йилдаги 1-145/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, «Шайхонтоҳур-Инвест» жарима майдони (Ганга)да сақланаётган, «Мерседес Бенц-180» русумли, д/р 03956Т бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 19 440 000 сўм. II. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 15.10.2007 йилдаги 2-152-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 3-мавзе, МЧЖ «Шахстранс Хизмат» 80-сонли автомашиналарни сақлаш жойида сақланаётган, «Мерседес-Бенц Е-200» русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 43 892 280 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

«Т.Гулобод» хусусий корхонаси ўз фаолиятини тугатади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ойгача қабул қилинади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 1а-уй. Тел: 253-61-01.





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2857 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156 89

Топширилган вақти: 13.45